1 курс

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5611600-Ноширлик иши **бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент -2019

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 654
"20" 07 2019

Сўз боши

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил "5" 07 даги 3 сонли буйруғи

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

Мазкур малака талабини Ўзбекситон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	***5611600-Ноширлик иши*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи.....**	**4**
1.1.	Қўлланилиш соҳаси.....	4
1.2.	***5611600-Ноширлик иши*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолият таснифи.....	5
2.	***5611600-Ноширлик иши*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....**	**6**
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2.	***5611600-Ноширлик иши*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятига қўйиладиган малака талаблари	7
3.	***5611600-Ноширлик иши*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....**	**9**
3.1.	Ўқув режаси фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2.	***5611600-Ноширлик иши*** таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	14

1. *5611600-Ноширлик иши* бакалавр таълим йўналишининг умумий таснифи

Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5611600-Ноширлик иши*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга "бакалавр" малака (даража)си ҳамда олий маълумот тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжат (диплом) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака **(даража)си 1-жадвалда келтирилган.**

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака (даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакавриатнинг ўқув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1.Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5611600-Ноширлик иши*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини белгилайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда, малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ҳамда янгилаш учун масъул олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналиши ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходим ва талабалари;
- ўз ваколати доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар, кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналиши (таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. *5611600-Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолияти таснифи

1.2.1. *5611600-Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолияти соҳалари:

5611600-Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши нашриётлар ва матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа мажмуалари, интернет нашрлари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, фаолият воситалари, усуллари, методлари; ноширлик маҳсулотини босма ва рақамли шаклда чиқариш ва тарқатиш, ноширлик иши соҳасидаги технология, техник ва дастурий маҳсулотлар, иқтисодиёт, бошқарув ва маркетинг, илмий тадқиқот;

ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларида мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. *5611600-Ноширлик иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- Ноширлик иши жараёнлари, китоб, журнал, газета, босма нашр, электрон нашр, матн, бадиий адабиёт, вербал ва визуал маълумотлар, муаллиф маълумотларининг оригинали, нашр оригинали, рақамли ҳужжат, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш, тарқатишнинг воситалари ва технологиялари, таҳрир-ноширлик фаолиятининг шакл ва жараёнлари, ноширлик иши маҳсулотларини тарқатиш, ноширлик ишининг ахборот-аналитик ва ташкилий-бошқарув таъминоти, ноширлик иши соҳасида илмий тадқиқотлар, ноширлик ишининг замонавий технологиялари ва методлари, назарий масалалари; рақамли дизайн технологиялари, нашр ишларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, ноширлик иши соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; жараённи бошқариш ва фаолиятни ташкил этиш, маркетинг, компьютер дизайнининг замонавий шакллари;
- ноширлик асослари, таҳрир назарияси ва техникаси, таҳрир асослари,
- ўзбек тили: назарий ва амалий, синхрон, диахрон, ижтимоий-маданий; имло муаммолари; нутқ маданияти ва ОАВ тили, ўзбек тилининг амалий стилистикаси, давлат тилида иш юритиш, матн лингвистикаси;
- Web-дизайн, нашриёт-матбаа жараёнлари технологияси, рақамли саҳифалаш, медиалойиҳалаштириш ва график дизайн, ноширлик ишида ахборот технологиялари, электрон нашрлар технологиялари, мультимедиа ва онлайн-нашрлар, компьютерли иллюстрация ва дизайн, ноширликнинг ҳуқуқий асослари, ноширлик иши менежменти ва маркетинги, блогофсера асослари, логотип дизайни;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, лойиҳавий инновацион фаолият жараёни.

5611600-Ноширлик иши **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- *нашриётлар ва матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа мажмуалари, интернет нашрларида, ОАВда нашр учун масъул муҳаррир, техник муҳаррир, мусаҳҳиҳ, дизайнер-рассом, бильд-муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир),*

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- шахснинг бошқа шахсга, жамият ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, касб фаолиятида мустақил қарорлар қабул қила олиши;
- рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб олши учун тайёрланади.

2.2. *5611600-Ноширлик иши* таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятига қўйиладиган малака талаблари

Ноширлик фаолиятида:

- ноширлик иши тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, зарурий материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ноширлик ишига оид материалларни моделлаштириш малакасига эга бўлиш;
- хорижий тилларни мукаммал эгаллаш ва улардан касбий фаолиятда фойдалана олиш;
- муаллифлар ва қўлёзмалар билан ишлаш, уларни таҳрирлаш, нашриётларнинг турли бўлимлари (логистика, ишлаб чиқариш, маркетинг, тарқатиш), китоблар ва серияларни дастлабки материални қайта кўриб чиқишдан тортиб, нашрга тайёрлаш малакасига эга бўлиш;
- масъул муҳаррир сифатида интернет-порталда ёки босма нашрда ёхуд ахборот агентлиги лентасидаги маълумотларни жойлаштириш, фактурани, яъни нашр концепциясининг ғоясига материаллар ва мавзунинг мослигини текшириш, таъсирчан сарлавҳаларни ўйлаб топиш, ижодий гуруҳ ишини мувофиқлаштириш, нашрларнинг тематик режасини тайёрлаш, синчиклаб қилинган таҳрирдан сўнг материални матбуотда ёритита олиш малакасига эга бўлиш;
- бильд- муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир) сифатида мақола учун фотосуратларни топиш, фотосуратлар сифатини баҳолаш, ретуш, фотоматериалнинг саҳафага жойлаштириш билан шуғулланиш малакасига эга бўлиш;

- контент-менеджер (нашр ёки веб-сайт мазмуни учун масъул шахс) сифатида веб-сайтни зарурий мазмун (матнли ва график маълумотлар) билан тўлдириш, фойдаланувчилар билан интерактив ишлаш, мулоқот қилиш малакасига эга бўлиш;
- копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис) сифатида реклама қилинган маҳсулотни сотиб олиш истагини пайдо қила оладиган матн ёзиш малакасига эга бўлиш;
- мусаҳҳиҳ сифатида матнни асл нусхаси билан солиштириш ва матн терувчилар томонидан йўл қўйилган имловий ва ишоравий хатоларини тузатиш, ўрнатилган техник қоидаларнинг бузилишини бартараф этиш, расмлар, схемалар, диаграммалар остидаги ёзувларни, сатрдаги ҳарфлар орасидаги масофанинг тўғри бўлишини текшириш малакасига эга бўлиш;
- медиа-мененжер сифатида турли масс-медиаларини бошқариш, уларнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш, медиа-лойиҳаларни бошқариш ва турли оммавий ахборот воситаларида медиа-маҳсулотларни яратиш, медиа-режалаштиришни амалга ошириш, бренд стратегиясини ва бозорда ОАВ маркетингини белгилаш, реклама бюджетларини тузиш, реклама берувчилар учун фойдали таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланиш кўникмасига эга бўлиш;
- медиабайер сифатида нашриёт уйлари билан шартнома тузиш ва унинг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш: кафолат хатларидан тортиб, макетни етказиб бериш ва тўловлар, счёт-фактураларни олиш, қабул қилиш далолатномалари ва синов нусхалари (эълон қилинган реклама нашрлари нусхалари) билан шуғулланиш кўникмасига эга бўлиш;
- медиа-дизайнер сифатида медиа-маҳсулотни лойиҳалашни амалга ошириш, буюртмачиларнинг хоҳишига кўра дизайн-концепциялар ишлаб чиқиш, тижорат таклифларини бадиий безаш (лойиҳаларни тақдимот қилиш), ностандарт реклама конструкцияларни 3D-визуализация қилиш, турли форматдаги ташқи реклама учун макетларни яратиш, файлларни нашрга тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш;
- AdobePhotoshop — AdobeIllustrator, AdobePremier, AdobeAfterEffects, AdobeInDesign, CorelDraw, PowerPointB, 3D-Ma, AdobePremier, AdobeAfterEffects ларда ишлаш кўникмасига эга бўлиш;
- ҳар қандай мультимедиа маҳсулоти хусусида, дизайн, видео, рақамли, замонавий мультимедиа тенденциялари ва реклама соҳасидаги техник янгиликлардан хабардор бўлиш;
- ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини чуқур ўзлаштириш;
- ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш;
- Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиб бориш;
- кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш;
- ривожланган хорижий мамлакатлар ноширлик иши тизими билан яқиндан танишган ҳолда, улардаги илғор усулларини жараёнга татбиқ қила олиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- ўзбек тили ва адабиёти соҳасида олинган назарий амалий билимларни қўллаш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- ноширлик ишига оид таҳрир-ноширлик, ахборот ва маркетинг технологияларида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, асослаш ва татбиқ қилиш;
- тадқиқотлар натижасини рефератлар, тақдимотлар, илмий маърузалар, илмий мақолаларда тақдим қилиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда соҳага оид назарий масалалар мавзуларида тадқиқотлар олиб бориш;
- тадқиқот мавзусига оид инглиз тилидаги материалларни ўқий олиш ва амалда қўллаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- ноширлик ишига оид хорижий давлатлардаги илмий тадқиқотларни ўрганиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

Лойиҳалаш-инновацион фаолиятида:

- ноширлик корхонаси ва ноширлик соҳасининг инновацион ривожланиш суръатини ошириш учун ноширлик ишидаги тадбиркорликнинг тарихий тажрибасидан ва замонавий таҳрир-ноширлик иши ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- ноширлик корхонасининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун китоб бозори, электрон нашрлар бозори, оммавий ахборот воситалари бозори ва рақобат муҳитини тадқиқ қилиш;
- янги ноширлик лойиҳаларини яратиш, уларнинг концепциялари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, ноширлик корхонасининг мавзуий ва ишлаб чиқариш режаларини шакллантириш;
- ноширлик фаолиятидаги лойиҳалаш юзасидан назорат олиб бориш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ноширлик фаолиятидаги лойиҳалашни ахборот-библиографик таъминлаш ва реклама қилиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш ва тарқатиш фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш бўйича маркетинг тадбирларини ташкил қилиш;
- ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш фаолиятини ахборот-библиографик таъминлаш;

- ноширлик маҳсулотини улгуржи ва чакана тарқатиш каналлари ассортиментини талаб ва таклифлар асосида шакллантириш;
- мижозлар базасини таҳлил қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлганда тўғри карор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижасини баҳолаш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

3. *5611600-Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5611600-Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиш назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда, талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиш лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган талаблар асосида белгиланади.

- Гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- комил инсон образини шакллантиришда миллий ғоя ва миллий мафкуранинг роли;

- психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳаиқдаги билимлар билан қуроллантириши;

-ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонунияти ва тамойиллари билан таништириши;

-ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

- ноширлик ишининг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

-замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

-ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

Умумкасбий фанлар блоки:

Ноширлик асосларида китоб тарихи, босма ишлар тарихи, газеталар ва журналларни нашр килиш тарихи, ноширлик ишига оид давлат ҳужжатлари, ноширлик ишининг технологик схемаси, ноширлик маҳсулотларининг тури ва типлари, қўлёзма ва оригинални расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар, ноширлик маҳсулоти ўлчаш бирликлари, полиграфик ишлар учун материаллар, ноширлик маҳсулотида чиқиш маълумотлари, китобларни рақамлашнинг халқаро стандартлари, серияли маҳсулотларни рақамлашнинг халқаро стандартлари, муаллифлик ҳуқуқи, ноширлик ишида фактчинг, ноширлик ишида маркетинг ва менежмент, ноширлик ишининг ижтимоий ва технологик муаммолари ҳақида маълумотлар билан қуроллантириш;

Веб-дизайнда сайт турлари. HTML5 технологияси ёрдамида веб-саҳифа яратиш. HTML элементлари ва атрибутлар. HTML5да матнларни таҳрирлаш. HTML5да тасвирлар билан ишлаш. HTML5да рўйхатлар билан ишлаш. HTML5да жадваллар билан ишлаш. HTML5да гиперҳаволалар. HTML5да фреймлар билан ишлаш. HTML5да формалар билан ишлаш. HTML5да бошқарув элементлари. HTML5да матнли майдон билан ишлаш, вақт ва сана майдонлари билан ишлаш. HTML5да файллар билан ишлаш. Саҳифаларнинг семантик структураси. CSS асослари. Селекторлар. Стиллар билан ишлаш. Саҳифа саҳифалаш. Саҳифа трансформацияси. HTML5да анимациялар. Саҳифага видео ва аудио файллар жойлаштириш. Javascript асослари. Ўзгарувчи ва константалар. Маълумот типлари. Массивлар. Цикллар. Функционал дастурлаш. Ўзгарувчилар майдони. Инкапцулясия. Меросхўрлик. Класслар ва ҳодисалар;

Рақамли саҳифалаш. Indesign дастури интерфейси. Indesign дастури ускуналар панели. Ҳужжат саҳифалари билан ишлаш. Символлар билан ишлаш. Формулалар билан ишлаш. Матнли ва графикли фреймлар учун формалар яратиш. Фреймларга матн ва график маълумотларни жойлаштириш. Хатбоши, изоҳлар ва аннотациялар билан ишлаш. Реестрлар. Рангли ва сояли матнлар билан ишлаш. Китоб саҳифалаш. Чоп этиш усуллари. Ранглар ва уларнинг соясини яратиш, градиентлар яратиш ва градиент йўналишлари. Турли объектлар яратиш. Объектларни моделлаштириш. Тасвирларни матнга импорт қилиш. Жадваллар яратиш ва уларни таҳрирлаш. Журналлар саҳифалаш. Иллюстрациялар

билан ишлаш. Колонкалар билан ишлаш. Матнларни колонкаларга жойлаш. Газета саҳифалаш. Кўп устунли колонкалар билан ишлаш. Мундарижалар билан ишлаш. Ёзувлар, чизғичлар ва имзолар. Қатламлар билан ишлаш. Маълумотларни экспорт қилиш. Турли форматлар билан ишлаш;

Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Фонетиканинг услубий хусусиятлари, Муаллифга хос услубий воситалар. Лексик бирликлар ва уларнинг услубий ўрни. Сўз қўллашнинг ўзига хос услубий йўллари. Сўз туркумларининг матн таркибидаги услубий роли. Синтакисиснинг услубий хусусиятлари. Функционал услублар. Сўзлашув услубининг лексик-фразеологик хусусиятлари. Адабий сўзлашув ва оддий сўзлашув услуби. Расмий услубнинг вазифалари ва ишлатиш доираси, лексик, грамматик воситалари. Расмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари. Давлат ҳужжатлари ва иш юритиш қоғозларининг услубий хусусиятлари. Илмий услубнинг ўзига хос белгилари. Илмий терминология. Илмий услубнинг лексик-грамматик, синтактик хусусиятлари. Публицистик услубнинг бошқа услублардан фарки. Публицистик услубнинг лексик, фразеологик, грамматик воситалари. Публицистик материаллар мазмуни, элементлари. Бадиий услубнинг вазифалари. Унинг бошқа услублар тизимидаги ўрни. Бадиий услуб вазифаси ҳақидаги қарашлар. Бу услубда ижодий индивидуаллик. Бадиий услубнинг морфологик-синтактик хусусиятлари. Тиниш (пунктуация) белгиларининг услубий вазифалари Матн ёки гап таркибида қўлланган тиниш белгиларининг услубий ўрни. Улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш. Тиниш белгилар идан ўринли ва тўғри фойдаланиш имкониятлари. Тиниш белгиларидан ўринли фойдаланишнинг кенг услубий имкониятларини билиш.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши, диалектал асоси, тараққиёт омиллари. Ҳозирги ўзбек тили тараққиётини белгиловчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг ҳозирги ўзбек тили мавқеини мустаҳкамлашдаги роли. Адабий тил тушунчаси. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари, моддий материал асоси, тил коммуникациясидаги роли. Адабий тил ва шева муносабати. Адабий тил ва нутқ услублари алоқаси. Фонетика ва фонология, графика ва орфография, лексикология, фразеология, морфемика, сўзнинг морфем таркиби, сўз ясалиши, грамматика, грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик категория, морфология, мустақил, ёрдамчи, алоҳида сўз туркумлари, синтаксис, синтактик алоқа воситалари ва турлари, сўз бирикмаси, гап бўлаклари, бош ва иккинчи даражали бўлаклар, гап бўлаклари ҳақидаги синтактик назариялар, мураккаблашган содда гаплар, эргашган қўшма гаплар, эргашган қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар, боғловчисиз қўшма гаплар, мураккаб қўшма гаплар, ўзга гапли қурилмалар каби ҳозирги ўзбек адабий тилига оид тушунча ва терминларни тўлиқ ўзлаштириш;

Нутқ маданияти ва ОАВ тили масалаларини тилшуносликда ўрганилиши, нутқ маданиятининг замонавий концепцияси, ОАВ тилида нутқ маданияти намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, замонавий ОАВ тилининг ўзига хослиги, функционал ва коммуникатив услубий хусусиятлари, миллий тилларда миллатлараро сифатларнинг ОАВ ёрдамида шаклланиши, газета тилининг социо-психолингвистик ва функционал-коммуникатив аспектлари, нутқий-маданий баҳоси (қуриш техникасини, қўлланишнинг ўринли ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш), ОАВ тилида нутқ маданияти меъёрийлик аспекти, ОАВда учрайдиган меъёрий бузилишлар, ОАВ тилида нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти, нутқ сифатлари, ОАВ тилида нутқ маданиятининг этик аспекти, ОАВда этикет формулаларининг қўлланиши, ОАВ тилида нутқ маданияти аспектларининг ўзаро боғлиқлигини билиш;

Таҳрир назарияси ва техникасида матнни нашрга тайёрлаш назарияси, муҳаррирлик тарихи, муҳаррирнинг ижтимоий позицияси ва эркинлиги, муҳаррирнинг касбий хислатлари, жанрлар типлари ва турлари, муҳаррир ишининг спецификаси ва алгоритми, матиқий таҳлил, сарлавҳалар таҳлили, фактчинг, тил ва

услуб юзасидан таҳлиллар, хатолар: табиати, типлари; тилнинг ифодавий имкониятлари, таҳрирнинг психологик жиҳатлари, муҳаррирнинг жанрлар юзасидан таҳлиллари ва б. хақида маълумотлар билан қуролланиш.

Таҳрирнинг моҳияти, вазифасива муҳаррирлик фаолияти. Таҳрир илмининг ёзув ва китобат билан боғлиқлиги. Осиё, Марказий Осиёда ёзув ва китобатнинг пайдо бўлиши. Миср, Қадимги Рим ва Юнонистонда китобат ва таҳрир илмининг юзага келиши. Соҳибқирон Темур ва темурийлар даврида китобат ва таҳрир. Китоб нашр этиш дастгоҳининг кашф этилиши - китобат тарихида янги даврнинг бошланиши. Туркистонда ноширлик: тарихи, ривожланиш босқичлари ва бугунги аҳволи. Китоб муҳаррири. Муҳаррирнинг нашр жараёнидаги ўрни ва аҳамияти.

Матн таҳлили ва таҳрири. Матнда яхлитлик. Матн қисмларининг уйғунлиги. Ёзма нутқ талаблари. Муҳаррирлик масулияти. Бадиий матн устида ишлаш. Муаллиф - муҳаррир тизими. Ноширлик одоби. Матн баёни усуллари ва турлари. Матн таҳрирининг мантиқий асослари. Асар композицияси устида ишлаш. Асос материаллар таҳлили ва таҳрири. Матбуот, радио ва телематнлар таҳлили ва таҳрири. Матнни тузатиш усуллари;

Жаҳон ва ўзбек адабиётининг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар тушунчаси, бадиий образ ва образлилик, сюжет, конфликт, композиция, шеър тизимлари ҳақидаги билим кўникмаларини шакллантириши; миллий уйғониш даври шеъриятида вазн, поэтик жанрлар ва образларнинг янгиланиши қонуниятлари, миллий уйғониш даври насри ва драматургиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти омиллари, миллий уйғониш даврида янгича адабий-эстетик тафаккурнинг юзага келиши шароити ва сабаблари, янги ўзбек адабиётини ташкил қилувчи омилларни ўқувчига етказа олиш, танланган адабий-илмий мавзу юзасидан илмий хулосалар чиқара билиш кўникмаларини шакллантириши;

мумтоз адабиёт тушунчаси ва унинг хусусиятлари, ўзбек адабиёти тарихининг тараққиёт босқичлари, адабиёт тарихини ўрганишнинг методологик асослари ва уни даврлаштириш тамойиллари, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи даврларининг ўзига хос жиҳатлари, мумтоз адабиёт жанрлари поэтикаси, аруз вазнининг умумий қонуниятлари, бадиий санъатларнинг ҳосил бўлиш йўлларини ва мумтоз шеъриятда қўлланиш усулларини таҳлил қила олиши;

жаҳон адабиёти тарихининг назарий муаммолари, жаҳон адабиёти дурдоналарини таҳлил қилиш, жаҳон адабиёти намояндалари, жаҳон адабиёти тараққиёти тамойиллари, бадиий асарларнинг ғоявий моҳияти ва бадиий хусусиятлари тўғрисида хулосалар чиқариш борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириши лозим;

замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараёнининг тараққиёт тамойиллари, қонуниятлари, замонавий ўзбек адабиёти намояндалари асарларини тушуниш ва таҳлил қилиш, замонавий ўзбек адабиётини фольклор, мумтоз адабиёт ва жаҳон адабиёти материаллари билан қиёслаш, бадиий асарни мустақил ўқиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ҳозирги адабий жараёнга хос қонуниятлар, миллий истиқлол даврида яратилган адабий-эстетик қарашлар бўйича адабий суҳбатлар ўтказиши, ҳозирги адабий жараёндаги бадиият намуналарини таҳлил этиши ва улардан хулосалар чиқара олиши зарур.

Матн лингвистикаси. Тилшуносликда матн муаммосининг ўрганилиши, матн таърифи масаласи, матн бирликлари (компонентлари), матн типлари, матн таркибий қисмини боғловчи воситалар, парцелляция ҳодисаси, матн ва унинг лингвистик таҳлили, бадиий матн ва уни шакллантирувчи воситалар, матнни

лингвостатистик усулларда ўрганиш, матннинг коммуникатив-прагматик мазмуни б. ҳақида маълумотлар билан қуролланиш.

Медиалойиҳалаштириш ва график дизайн муҳаррирлари. Компьютер графикаси. Растрли ва векторли графика. Adobe PhotoShop дастури имкониятлари. Соҳани белгилаш усуллари. Қатламлар билан ишлаш. Adobe PhotoShop дастурида матнлар билан ишлаш. Соҳани бўяш усуллари. Градиент билан ишлаш. Узорлар яратиш. Фильтрлар. Тасвир коррекцияси. Ранг каналлари. Қатлам никоблари. Adobe Photoshop дастурининг векторли имкониятлари. Матннинг бадиий эффектлари. AdobeIllustrator дастури интерфейси. Объектлар билан ишлаш. Эркин чизиш ускуналари. Чегара нуқталари. Растрли тасвирлар билан ишлаш. Оддий фигуралар, логотиплар ва нишонлар яратиш. Мураккаб фигуралар яратиш. Сегментлар билан ишлаш. Ҳажмли тасвирлар яратиш;

Ихтисослик фанлар блоки:

Адабий таҳрирда таҳрир тарихи, Алишер Навоийнинг тил ва таҳрир ҳақидаги қарашлари, муҳаррирнинг нашр жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, матн таҳлили ва таҳрири, матн яхлитлиги, матн қисмларининг уйғунлиги, ёзма нутқ талаблари, сарлавҳа масъулияти, матннинг мантиқий таҳлили, матннинг ахборийлиги, муҳаррир ва муаллиф муносабати, ноширлик одоби, матн баёни усуллари ва турлари, матн таҳрирининг мантиқий асослари, асар композицяси устида ишлаш, асос материаллар таҳлили ва таҳрири, сарлавҳалар таҳлили ва таҳрири, китоб аппаратининг таҳлили ва таҳрири, адабий асар турлари ва нашри, оммавий-сиёсий адабиётлар таҳрири, илмий-оммабоп адабиётлар таҳрири, бадиий асарлар таҳрири, матбуот ва телемантлар таҳрири ва б. ҳақида маълумотлар билан қуроллантириш;

Ноширлик ишида ахборот технологиялари. Нашрга тайёрлаш босқичлари. Умумий полиграфик жараёнларнинг асосий босқичлари. Анъанавий нашрга тайёргарлик кўриш босқичлари ҳақида умумий маълумот. рақамли нашр этишнинг асосий босқичлари. Нашрий маҳсулотлар. Нашрий маҳсулотларнинг асосий кўринишлари. Нашр этишнинг асосий таркибий қисмлари Полиграфик ишлаб чиқаришда меёрий тизимлар. MS WORD 2016 интерфейсининг асосий элементлари ва уни созлаш. MS WORD интерфейсининг асосий элементлари. Экран (ойна)нинг ташқи кўринишини ўзгартириш. Чизғични чиқариш ва олиб ташлаш. Тезкор кириш панелини созлаш. Ленталарни созлаш. Ёрлиқлар ойнасини чиқариш ва яшириш. Ўтиш қаторини чиқариш ва олиб ташлаш. Вертикал чизиқларни чиқариш ва яшириш. Матн чегарасини кўрсатиш. Майдон саҳифалари чегарасини кўрсатиш. Майдонни соялаш режимини бошқариш. Қаторлар ҳолатни созлаш. Асбоблар мини панелини чиқариш ва яшириш. Ҳужжат ойнасини созлаш. Ҳужжатни кўриш режими. Чоп этилмайдиган белгиларни акс эттириш. Ҳужжатни кўриш масштабини ўзгартириш. Саралаш ва верстка қилиш қоидаларига мувофиқ матнни саралаш. Матн кўринишидаги ахборот бирликлари. Бош ва кичик харфларни киритиш. Бошқа тилга ўзгартириш. Клавиатурадаги махсус клавишлар.

Мультимедиа ва онлайн нашрлар. Рақамли ОАВ нашр этиш. Блог яратиш: мульти-медия мазмунли блог яратиш. Рақамли фотография: камера ва расмга олиш. Рақамли тасвир таҳрир. Рақамли фотография. Рақамли тасвир бошқаруви. Аудио ёзув ва таҳрир. Нашр этиш ва эшттирувга hosting яратиш. Web учун ёзуви контенти. Оптималлашган қидириш механизми. Умумий домен, рақамли умумийлик.

Компьютер иллюстрацияси ва дизайн. Расмнинг асосий параметрлари. Тасвир ўлчови. CorelDrawда чизма. Объект шакллари билан ишланмалар. Мураккаб шакл

ўзгаришлари. Янги объектлар қўшиш орқали махсус эффектлар бериш. Шаффофлик. Линзалар. Растер графикаси билан ишлаш. Adobe Illustrator. Вектор шакллари. Сканерланган тасвир. Liqifui асбоблар гуруҳи. Distort Group фильтрлари ва Transform Group эффектлари. Colour ва Swatches палитралари ёрдамида ранг танлаш. Color Picker палитраси ёрдамида ранг танлаш. Ранг танлаш усули. Аралашдан глобал ранг яратиш. Градиентлар. Чизиқли градян ҳосил қилинг. Объектларни нусхалашнинг оддий вариантлари. Узлуксиз нусхалаш. Текстурдан фойдаланиш. Шаффофлик палитраси. 3Д эффектлар гуруҳи. Exude ва Bevel. Revolve фильтри. Rotate фильтри. Вектор муҳарририда фото. Web учун расмлар. Анимацияли Flash баннер. SVG форматида ишлаш. HTML-саҳифа яратиш. Ҳимоя тўрини чизиш. Панжара чизиғининг параметрлари. Хавфсизликнинг бошқа график хусусиятлари.

Ноширликнинг ҳуқуқий асослари. Ноширлик хусусиятларини белгилайдиган ҳуқуқий даражадаги ҳужжатлар («Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари ва нашрларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида конунлари. Нашриётни ўқитиш тартиби, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги. Интеллектуал ҳуқуқлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Интеллектуал фаолиятни рўйхатдан ўтказиш қоидаси. Истисноли ҳуқуқни тасарруф этиш. Давлат полиграфияси ва китоб нашрини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорлар. Лицензия шартномаларини бажариш турлари ва қоидалари. Давлат қоидалари жамоавий ҳуқуқларни бошқариш ташкилотларини аккредитация қилиш. Интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш. Муаллифлик ҳуқуқи ва унинг турлари. Иқтисодиёт ва нашриётни ташкил этишга оид норматив ҳужжатлар

Ноширлик иши менежменти ва маркетинги. Нашриёт саноатининг ташкилий тузилмаси. Нашр қилиш жараёни ва унинг иқтисодий аспекти. Муаллиф билан нашриёт иши. Нашриёт портфели. Қоғоз ва керакли материаллар учун ҳаражатлар. Китобларни бозорга чиқариш. Нашриётда реклама. Китоб бозорининг ахборот таъминоти. Китоб маҳсулотларини нархлаш. Чет элда нашр қилиш. Чет элда китоб савдоси. Нашр этишнинг ташкилий ва иқтисодий асослари. Нашр этишнинг ташкилий тузилмаси. Таҳририят ва нашр жараёни. Нашриёт билан муаллиф ўртасидаги ўзаро муносабат. Қоғоз ва керакли материалларга кетадиган ҳаражатлар. Нашр қилиш маркетинг. Нашриёт реклама компаниялари ва китоб бозорини ахборот билан таъминлаш. Китоб маҳсулотларини реализация қилиш. Электрон нашр қилиш ва китоб тижорати.

Имло муаммолари. График, орфографик ва пунктуацион меъёрлар, ёзув тарихи, ўзбек имло қоидалари, пунктуацион меъёрлар тарихи, тиниш белгилари турлари, уларнинг қўлланиш ҳолатлари, товушлар тизими ва унинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларида юзага келган мунозарали ўринларга муносабат билдириш кўникмасини шакллантириши;

тил тарихи масалаларига доир методлар, ўзбек тили тарихини даврлаштириш, кичик матнларни фонетик, грамматик таҳлил қилиш, эски ўзбек ёзуви алифбоси ва унинг имло қоидалари, қўлёзма матнларни ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантириши;

Логотип дизайни. Логотиплар яратиш ва уларнинг статистикаси. Логотип йўналишлари ва бозор иқтисодиёти. Логотиплар яратиш қонун қоидалари. Логотип эскизларини чизиш. Логотип формалари билан ишлаш. Логотиплар яратишда ранглар билан ишлаш. Логотиплар яратишда шрифтлар билан ишлаш. Логотиплар яратишда турли форматлар билан ишлаш. Экспорт ва импорт. Турли хил ранглардаги каллиграфик ёзувлар. Бадиий ёзув созламалари. Бадиий образ яратиш. Китоб муқовалари дизайни. Реклама матнлари композицияси. Титул варақалари дизайни. Хатбоши кўриниши шакллари. Махсус спорт логотиплари. Газета логотиплари. Мусиқий логотиплар.

Анимацияли логотиплар. Реклама буклетлар. Каталоглар билан ишлаш. Маҳсулот логотипи. Конструкцияли логотип;

Қўшимча фанлар блоки:

талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда, танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. *5611600-Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати 4 йил бўлгани ҳолда, ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий ва амалий таълим – 60,2 %
- аттестация – 9,8 %
- таътил – 15,1 %
- малакавий амалиёт – 11,7 %
- битирув малакавий иши – 2,9 %

Назарий таълим ҳажми **“Гуманитар”**билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар фанлар – 23,10 %;

умумкасбий фанлар – 37,20 %;

ихтисослик фанлар – 35,4 %;

қўшимча фанлар – 4,3 %;

Таълим йўналишининг “Умукасбий фанлар” ёки “Ихтисослик фанлар” блоки таркибидаги фанларга мос бўлган “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” ва “Математик ва табиий-илмий фанлар” блоки фанлари учун ажратилган ўқув юклама

ҳажми мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг “Умумкасбий фанлар” ёки “Ихтисослик фанлар” блоки таркибига ўтказилиши мумкин.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли; ҳозирги ўзбек тили, лисон, нутқ, меъёр, қадимги туркий тил, тил тарихи, тарихий грамматика, тилшунослик назарияси, тил ва жамият, тил оилалари, тил гуруҳлари, қиёсий-тарихий тилшунослик, терминология, лексикография, араб ва форс алифбоси, диалектология, халқ оғзаки ижоди, мифология, болалар фольклори, мумтоз адабиёт, адабий ёдгорликлар, навоийшунослик, миллий уйғониш, янги ўзбек адабиёти, адабий танқид, жаҳон адабиёти, туркий халқлар адабиёти, адабиётшунослик, ўқитиш методикаси, матн, матншунослик

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи директор ўринбосари

Директор ўринбосари _____ **М.Бўронов**

201 йил «__05__» ___06___

М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор _____ **Ш.С.Сирожиддинов**

2019 йил «__05__» ___06___

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор _____ **З. Хакимов**

2019 йил «__2__» ___07___

М.Ў.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори

_____ **А. У. Гулямов**

2019 йил «__2__» ___07___

М.Ў.

5611600- *Нашрлик иши* бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи Ишчи гуруҳ таркиби

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис			
1	Л.Раупова	Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, филология фанлари доктори, доцент	
Аъзолари:			
2	К. Дусанов	Ўқув ишлар бўйича декан муовини, раис ўринбосари	
3	С.Мухаммедова	Ахборот ва замонавий педагогик технологиялар кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор	
4	М.Абдуллаева	Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент	

Ўқув ишлари бўйича проректор **И.Азимов**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йуналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5611600	Ноширлик иши	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** • ноширлик иши тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, зарурий материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ноширлик ишига оид материалларни моделлаштириш малакасига эга бўлиш; • хорижий тилларни мукаммал эгаллаш ва улардан касбий фаолиятда фойдалана олиш; • муаллифлар ва қўлёзмалар билан ишлаш, уларни таҳрирлаш, нашриётларнинг турли бўлимлари (логистика, ишлаб чиқариш, маркетинг, тарқатиш), китоблар ва серияларни дастлабки материални қайта кўриб чиқишдан тортиб, нашрга тайёрлаш малакасига эга бўлиш; • масъул муҳаррир сифатида интернет-порталда ёки босма нашрда ёхуд ахборот агентлиги лентасидаги маълумотларни жойлаштириш, фактурани, яъни нашр концепциясининг ғоясига материаллар ва мавзунинг мослигини текшириш, таъсирчан сарлавҳаларни ўйлаб топиш, ижодий гуруҳ ишини мувофиқлаштириш, нашрларнинг тематик режасини тайёрлаш, синчиклаб қилинган таҳрирдан сўнг материални матбуотда ёритита олиш малакасига эга бўлиш; • бильд- муҳаррир (фотосуратларни танловчи

			муҳаррир) сифатида мақола учун фотосуратларни топиш, фотосуратлар сифатини баҳолаш, ретуш, фотоматериалнинг саҳафага жойлаштириш билан шуғулланиш малакасига эга бўлиш; • контент-менеджер (нашр ёки веб-сайт мазмуни учун масъул шахс) сифатида веб-сайтни зарурий мазмун (матнли ва график маълумотлар) билан тўлдириш, фойдаланувчилар билан интерактив ишлаш, мулоқот қилиш малакасига эга бўлиш; • копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис) сифатида реклама қилинган маҳсулотни сотиб олиш истагини пайдо қила оладиган матн ёзиш малакасига эга бўлиш; • мусаҳҳиҳ сифатида матнни асл нусхаси билан солиштириш ва матн терувчилар томонидан йўл қўйилган имловий ва ишоравий хатоларини тузатиш, ўрнатилган техник қоидаларнинг бузилишини бартараф этиш, расмлар, схемалар, диаграммалар остидаги ёзувларни, сатрдаги ҳарфлар орасидаги масофанинг тўғри бўлишини текшириш малакасига эга бўлиш; • медиа-мененжер сифатида турли масс-медиаларини бошқариш, уларнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш, медиа-лойиҳаларни бошқариш ва турли оммавий ахборот воситаларида медиа-маҳсулотларни яратиш, медиа-режалаштиришни амалга ошириш, бренд стратегиясини ва бозорда ОАВ маркетингини белгилаш, реклама бюджетларини тузиш, реклама берувчилар учун фойдали таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланиш кўникмасига эга бўлиш; • медиабайер сифатида нашриёт уйлари билан шартнома тузиш ва унинг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш: кафолат хатларидан тортиб, макетни етказиб бериш ва тўловлар, счёт-фактураларни олиш, қабул қилиш далолатномалари ва синов нусхалари (эълон қилинган реклама нашрлари нусхалари) билан шуғулланиш кўникмасига эга бўлиш; • медиа-дизайнер сифатида медиа-маҳсулотни лойиҳалашни амалга ошириш, буюртмачиларнинг хоҳишига кўра дизайн-концепциялар ишлаб чиқиш, тижорат таклифларини бадиий безаш (лойиҳаларни тақдимот қилиш), ностандарт реклама конструкцияларни 3D-визуализация қилиш, турли форматдаги ташқи реклама учун

			макетларни яратиш, файлларни нашрга тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш; • AdobePhotoshop — AdobeIllustrator, AdobePremier, AdobeAfterEffects, AdobeInDesign, CorelDraw, PowerPointB, 3D-Ma, AdobePremier, AdobeAfterEffects ларда ишлаш кўникмасига эга бўлиш; • ҳар қандай мультимедиа маҳсулоти хусусида, дизайн, видео, рақамли, замонавий мультимедиа тенденциялари ва реклама соҳасидаги техник янгиликлардан хабардор бўлиш; • ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини чуқур ўзлаштириш; • ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш; • Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиб бориш; • кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш; • ривожланган хорижий мамлакатлар ноширлик иши тизими билан яқиндан танишган ҳолда, улардаги илғор усулларини жараёнга татбиқ қила олиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.*** - ўқув машғулотларида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга содиқлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратиш; - Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқелик ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, улардан ҳаёт ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос ҳолатда ўқув жараёнини ташкил этишда иштирок этиш.

М. Бўронов
“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа
ижодий уйи директор ўринбосари

“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йуналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5611600	Ноширлик иши	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** • ноширлик корхонаси ва ноширлик соҳасининг инновацион ривожланиш суръатини ошириш учун ноширлик ишидаги тадбиркорликнинг тарихий тажрибасидан ва замонавий таҳрир-ноширлик иши ютуқларидан кенг фойдаланиш; • ноширлик корхонасининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун китоб бозори, электрон нашрлар бозори, оммавий ахборот воситалари бозори ва рақобат муҳитини тадқиқ қилиш; • янги ноширлик лойиҳаларини яратиш, уларнинг концепциялари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, ноширлик корхонасининг мавзуий ва ишлаб чиқариш режаларини шакллантириш; • ноширлик фаолиятидаги лойиҳалаш юзасидан назорат олиб бориш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш; • ноширлик фаолиятидаги лойиҳалашни ахборот-библиографик таъминлаш ва реклама қилиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.*** • глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш; • ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш ва тарқатиш фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб

			чиқиш; • ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш бўйича маркетинг тадбирларини ташкил қилиш; • ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш фаолиятини ахборот-библиографик таъминлаш; • ноширлик маҳсулотини улгуржи ва чакана тарқатиш каналлари ассортиментини талаб ва таклифлар асосида шакллантириш; • мижозлар базасини таҳлил қилиш; • жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошкариш; • фикрлар ҳар хил бўлганда тўғри қарор қабул қилиш; • бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижасини баҳолаш • бадиий асарни, адабий ва бошқа матнларни лисоний таҳлил этиш ҳамда унинг методларини дарс давомида қўллай олиш; • илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тили, ўзбек адабиёти ҳамда бу фанларни умумтаълим мактабларида ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот ишларини олиб бориш; • ўкув машғулотларида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга содиқлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратиш; • Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқелик ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, улардан ҳаёт ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш; • атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос ҳолатда ўкув жараёнини ташкил этишда иштирок этиш.

Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети профессори

А. Н. Нурматов

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директор ўринбосари бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5220100	Ноширлик иши	**Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:** • интернет тармоғидаги ўзбек тили ва адабиёти фанининг энг янги илмий ютуқлари ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш, фанга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш; • дарс машғулотларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш; -матнларни имловий, услубий жиҳатдан таҳрир қила олиш; - ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги ғояларни яратиши; - тил ва адабиёт таълимига оид мақолаларни ёза билиш; - барча турдаги хатларни ёза билиш; - барча турдаги маълумотларни ёза олиш; - ўзбек тили ва адабиёти таълими соҳасига оид адабиётлар (мақолалар. китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш; - соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш; - турли илмий материалларга хулоса ёза олиш; - тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш; - соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш; - амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директор ўринбосари М. Бўронов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III-қисмида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 5220100– Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши малака талабларини турдош олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. "4" 07 2019 й.

Қатнашдилар: Қ.Шарипов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ш.Шерматов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, М. Бўронов – "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директор ўринбосари, А.У.Гулямов - "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори, ЖизДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НавДПИ ректори, ҚўқДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НукДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, БухДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ГулДУ ўқув ишлари бўйича проректори, СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ТерДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚаршиДУ ўқув ишлари бўйича проректори, УргДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ФарДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚҚДУ ўқув ишлари бўйича проректори, АндДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.Абдушукуров – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети декани, А.Сайфуллаев - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани, Л.Раупова - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар асосида 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 5220100 – Ноширлик иши, 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талаблари муҳокамаси.

Сўзга чиқди: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқув ишлари бўйича проректори И.Азимов ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майда ПҚ-4797-сонли "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида ўзбек тили ва адабиёти мутахассислари олдига жуда катта масъулиятли вазифалар қўйилганлигини таъкидлади. Жумладан, ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садокат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш вазифалари университетнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган, шунинг учун ҳам ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш мақсадида таълим йўналишлари малака талабларини қайта ишлаб чиқиш зарурияти туғилганини айтиб ўтди ҳамда университет ректори томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан таълим йўналиши малака талаблари Фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти чуқур сингдирилган ҳолда қайта ишлаб чиқилгани ҳақида ахборот берди.

Мажлис иштирокчиларидан мазкур малака талабларини муҳокама қилиш ҳамда фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришни сўради.

Эшитилди: Р.Яркулов – университет ўқув бўлими томонидан таълим йўналишлари бўйича мутахассисларни жалб қилган ҳолда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларга асосан бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари лойиҳалари ишлаб чиқилди. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 5611600 – Ноширлик иши, 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари бўйича малака талабларини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ қуйидаги таркибда фаолият юритди:

Ш.С.Сирожиддинов – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси;

И.Азимов – ўқув ишлари бўйича проректор – раис ўринбосари;

Б.Абдушукуров – Ўзбек филологияси факультети декани;

Л. Раупова – Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани;

А.Сайфуллаев – Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 5611600 – Ноширлик иши, 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талабларини ишлаб чиқишда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигидан экспертизадан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида мавжуд 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 51201100 – Ноширлик иши, 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талабларини тайёрлашда турдош ОТМлар томонидан билдирилган камчилик ва таклифлар инобатга олингани таъкидлансин.

3. Мазкур малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Мажлис раиси **Ш. Сирожиддинов**

Котиб **Н.Чиниқулов**

5611600-Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши учун тайёрланган малака талабларига

ТАҚРИЗ

Таълим мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг мазмуни ва усули белгиланади. Таълим мақсадининг ўзи эса ижтимоий талаб ва буюртма асосида шакллантирилади. **Ноширлик иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашга қаратилган мазкур малака талаблари **5611600-Ноширлик иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мана шу соҳа бўйича белгиланган талаблар мажмуини ифодалайди. Унда мазкур таълим йўналишининг умумий тавсифи ва таснифи тақдим этилган: бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари ва объектлари ҳамда бакалавр касбий фаолиятининг турлари, касбий мослашув ҳамда таълимни давом эттириш имкониятлари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилган. Жумладан, н***оширлик иши*** бакалавриат таълим йўналишининг касбий фаолияти сифатида нашриётлар ва матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа мажмуаларига алоқадор фаолиятлари ташкилий-бошқарув, ноширлик иши соҳасидаги технология, техник ва дастурий маҳсулотлар, иқтисодиёт, бошқарув ва маркетинг, илмий тадқиқот соҳалари тўғри белгиланган.

5611600-Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва ихтисослигига мос касбий вазифалар қўйилган. Ноширлик иши йўналишининг ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларида мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олиши мумкинлиги аниқ белгилаб берилган. Бундан кўринадики, ноширлик ишининг илмий-тадқиқот ҳамда маънавий-маърифий, ташкилий-бошқарув фаолиятидаги вазифалари, бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблари аниқ белгиланган.

5611600-Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларда бакалариат таълим йўналиши ўқув ражаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва унда талабаларнинг қуйидаги мажбурий – гуманитар ва табиий-илмий; умумкасбий; ихтисослик; қўшимча фанлар блокларини ўзлаштириши назарда тутилган. Ҳар бир фан блоки бўйича белгиланган талабларнинг

мазмун-моҳияти, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, меҳнат бозори учун рақобатбардош кадр тайёрлашдаги аҳамияти кўрсатилган. Касбий фаолиятининг объектлари – ноширлик иши жараёнлари, китоб, журнал, газета, босма нашр, электрон нашр, матн, бадиий адабиёт, вербал ва визуал маълумотлар, муаллиф маълумотларининг оригинали, нашр оригинали, рақамли ҳужжат, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш, тарқатишнинг воситалари ва технологиялари, таҳрир-ноширлик фаолиятининг шакл ва жараёнлари, ноширлик иши маҳсулотларини тарқатиш, ноширлик ишининг ахборот-аналитик ва ташкилий-бошқарув таъминоти, ноширлик иши соҳасида илмий тадқиқотлар, ноширлик ишининг замонавий технологиялари ва методлари, назарий масалалари; рақамли дизайн технологиялари, нашр ишларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, ноширлик иши соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; жараённи бошқариш ва фаолиятни ташкил этиш, маркетинг, компьютер дизайнининг замонавий шакллари ; лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёнини ташкил этишнинг тўгри белгилаб олинганлиги бу йўналишда етук мутахассислар тайёрлашга яхши имкониятлар беради. **Ноширлик иши** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги умумий юклама ҳажмининг тақсимоти ҳам назарий таълим ва амалиётни уйғунликда олиб боришга мос қилиб тақсимланган.

5611600-Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши учун тайёрланган ушбу малака талабларидаги бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар бугунги куннинг мутахассиси - яхши билим ва малакага эга ОАВда нашр учун масъул муҳаррир, техник муҳаррир, мусаҳҳиҳ, дизайнер-рассом, бильд-муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир), контент-менеджер, копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис), медиа-мененжер, медиабайер, медиа-дизайнер, лойиҳа менежери, илмий ходим ва ташкилотчи-бошқарувчини етиштиришни кўзда тутганлигини алоҳида эътироф этамиз ва уни амалиётга татбиқ этиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлашга тавсия этамиз.

М.Бўронов
“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа
ижодий уйи директор ўринбосари

5611600-Ноширлик иши таълим йўналиши учун тайёрланган малака талабларига

ТАҚРИЗ

Таълимнинг мазмуни, усули ва мақсади ўзаро бир-бирини тақозо этувчи бутунликдир. Таълим мақсадининг ўзи эса ижтимоий талаб ва буюртма асосида шакллантирилади. Мана шу уч компонент, уларнинг моҳияти жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий, маънавий тараққиёти даражаси билан боғлиқ. Жамиятда қарор топган ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган эҳтиёж, кадрларнинг касбий тайёргарлигига, жамиятдаги педагогик ҳолатга караб тараққиётнинг турли босқичларида таълимнинг моҳияти, методи, ташкилий-услубий шакллари ҳам у ёки бу даражада ўзгариб боради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ўзида ифодалаган Олий таълимнинг ушбу малака талабларида **5611600-Ноширлик иши** бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи, мазкур таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ва бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар тақдим этилган.

2018 йил 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни қамраб олингани ҳолда ишлаб чиқилган. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, юқори малакали, рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашни инобатга олган ҳолда, таълим йўналиши учун зарур бўлган янги фанлар киритилган. Унда бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари ва объектлари ҳамда бакалавр касбий фаолиятининг турлари, касбий мослашув имкониятлари кўрсатилган. Фанлар блоки ва уларнинг мазмуни бакалавр билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар асосида фанларни тўғри танлаб қўйиш имкониятини яратган. Таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлиги таъминланиши лозимлиги бу ҳужжатнинг қимматини оширади.

Узлуксиз таълим тизими талабларига риоя этилган бакалавриат таълим йўналишида ўқитилиши назарда тутилган фанларнинг мазмуни бакалавр қандай тасаввурга эга бўлиши; нималарни билиши ва қай даражада малака ҳосил қилиши ва кўникмаларга эга бўлиши кераклиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

Фанлар блоки ва уларнинг мазмуни бакалавр эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, фанларни тўғри танлаб қўйиш имкониятини яратган. Таълим сифатига қўйилаётган талаблар рақобатбардош кадрлар етиштиришга қаратилган. Меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлиги таъминланган.

Узлуксиз таълим тизими талабларига риоя этилган бакалавриат таълим йўналишида ўқитилиши назарда тутилган фанларнинг мазмуни бакалавр қандай тасаввурга эга бўлиши; нималарни билиши ва қай даражада малака ҳосил қилиши ва кўникмаларга эга бўлиши кераклиги ҳақида аниқ тасаввур беради. Узлуксиз таълим тизими талабларига риоя этилган бакалавриат таълим йўналишида ўқитилиши назарда тутилаётган фанларнинг малака талаб нуқтаи назаридан тақдим этилаётган мазмуни ва йўналиш ўқув режасидаги умумий юклама ҳажми тақсимотнинг назарий таълим ва амалиётни уйғунликда олиб боришга мослиги мазкур йўналишда яхши мутахассислар тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Хуллас, **5611600-Ноширлик иши** таълим йўналиши учун тайёрланган ушбу малака талабларидаги бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар бугунги куннинг мутахассиси - яхши билим ва малакага эга ОАВда нашр учун масъул муҳаррир, техник муҳаррир, мусаҳҳиҳ, дизайнер-рассом, бильд-муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир), контент-менеджер, копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис), медиа-менеджер, медиабайер, медиа-дизайнер, лойиҳа менежери, илмий ходим ва ташкилотчи-бошқарувчини етиштиришни кўзда тутганлигини алоҳида эътироф этамиз ва уни амалиётга татбиқ этиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлашга тавсия этамиз.

Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар университети
профессори А. Нурматов

5611600 -Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши учун тайёрланган малака талабларига

ТАҚРИЗ

Давр бугунги фан ва таълим соҳасидан аниқланган илмий умумийликларининг воқеланишини текширишга, ундан амалий фойдаланиш, самарадорлигини ошириш, қўлланиш доирасини кенгайтириш муаммолари билан шуғулланишга жиддий киришишни талаб қилмоқда. Бу янги аср таълим тизими зиммасига юклатилаётган ижтимоий буюртмадир. Фандаги янги имкониятларнинг амалий воқеланиши, ундан самарали фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи таълим тизимида замонавий йўналишларни йўлга қўйиш асосида амалга оширилади. Тақризланаётган ушбу малака талаблари янги йўналишнинг заруратига дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. **Ноширлик иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашга қаратилган мазкур малака талаблари **5611600 -Ноширлик иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мана шу соҳа бўйича белгиланган талаблар мажмуини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ўзида ифодалаган Олий таълимнинг ушбу малака талабларида **5611600-Ноширлик иши** бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи, мазкур таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ва бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар тақдим этилган.

2018 йил 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни қамраб олингани ҳолда ишлаб чиқилган. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни инобатга олган ҳолда, таълим йўналиши учун зарур бўлган янги фанлар киритилган.

Фанлар блоки ва уларнинг мазмуни бакалавр эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, фанларни тўғри танлаб қўйиш имкониятини яратган. Таълим сифатига қўйилаётган талаблар рақобатбардош кадрлар етиштиришга қаратилган. Меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлиги таъминланган. Соҳа бўйича бакалавр эгаллаши лозим бўлган ўқув-малакавий компетенциялар, касбий компетенциялар изоҳланган. Жумладан: ноширлик йўналишида **бакалавр** ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, касб фаолиятида мустақил қарорлар қабул қила олиши, рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши, ноширлик иши тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, зарурий материалларини танлаш ва

тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ноширлик ишига оид материалларни моделлаштириш малакасига эга бўлиш, хорижий тилларни мукаммал эгаллаш ва улардан касбий фаолиятда фойдалана олиш, муаллифлар ва қўлёзмалар билан ишлаш, уларни таҳрирлаш, нашриётларнинг турли бўлимлари (логистика, ишлаб чиқариш, маркетинг, тарқатиш), китоблар ва серияларни дастлабки материални қайта кўриб чиқишдан тортиб, нашрга тайёрлаш малакасига эга бўлиш, масъул муҳаррир сифатида интернет-порталда ёки босма нашрда ёхуд ахборот агентлиги лентасидаги маълумотларни жойлаштириш, фактурани, яъни нашр концепциясининг ғоясига материаллар ва мавзунинг мослигини текшириш, таъсирчан сарлавҳаларни ўйлаб топиш, ижодий гуруҳ ишини мувофиқлаштириш, нашрларнинг тематик режасини тайёрлаш, синчиклаб қилинган таҳрирдан сўнг материални матбуотда ёритита олиш малакасига эга бўлиши тўғри кўрсатиб берилган.

Хуллас, **5611600 -Ноширлик иши** таълим йўналиши учун тайёрланган ушбу малака талабларидаги бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар бугунги куннинг мутахассиси - бильд- муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир) сифатида мақола учун фотосуратларни топиши, фотосуратлар сифатини баҳолаши, ретуш, фотоматериалнинг саҳафага жойлаштириш билан шуғулланиш малакасига эга бўлиши, контент-менеджер (нашр ёки веб-сайт мазмуни учун масъул шахс) сифатида веб-сайтни зарурий мазмун (матнли ва график маълумотлар) билан тўлдириш, фойдаланувчилар билан интерактив ишлаш, мулокот қилиш малакасига эга бўлиш, медиа-мененжер сифатида турли масс-медиаларини бошқариши, уларнинг ривожланиш стратегиясини белгилаши, медиа-лойиҳаларни бошқариши ва турли оммавий ахборот воситаларида медиа-маҳсулотларни яратиши, медиа-режалаштиришни амалга ошириш, бренд стратегиясини ва бозорда ОАВ маркетингини белгилаши, реклама бюджетларини тузиш, реклама берувчилар учун фойдали таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланишни ҳамда ташкилотчи-бошқарувчини етиштиришни кўзда тутганлигини алоҳида эътироф этамиз ва уни амалиётга татбиқ этиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлашга тавсия этамиз.

Тошкент ахборот технологиялари университети
Илмий ва инновацион ишланмаларни
тижоратлаштириш бўлими бошлиғи **Ж. Ф. Сайфиев**

"MUHAMM... XORAZMIY NOMIDAGI
TOSHKENT AXBOROT
TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI"
Ж.Ф. Сайфиев ning
KADRLAR BO'LIMI

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети *5611600* Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши малака талабларининг ишлаб чиқувчилари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. "02" 07 2019 й.

Биз қуйида имзо чекувчилар –Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Республика таълим маркази директори А.Умаров, "Тил ва адабиёт таълими" журнали муҳаррири Б.Жовлиев ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўқув ишлари бўйича проректори И.Азимовлар Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган малака талабларнинг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

5611600 – *Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

5611600 – *Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

5611600 – *Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган ***5611600*** *Ноширлик иши* бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари
ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази — **З. Хакимов**

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий
уйи директор ўринбосари — **М. Бўронов**

"Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси бош директори — **А.У.Гулямов**

Ўқув ишлари бўйича проректори — **И.Азимов**

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши малака талабларининг ишлаб чиқилишига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 12-сонли буйруғи;

Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорлари.

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларида кадрлар истеъмолчилари томонидан берилган кўрсатмалар ҳисобга олинган.

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари бўйича "Гуманитар ва табиий-илмий фанлар" блокнинг ҳажми 20-30%, умумкасбий фанлар 30-50 %, ихтисослик фанлар 20-35%, қўшимча фанлар 4-6 % гача ўзгарди. Малака амалиёти муддати 30 ҳафтага ўзгарди, аттестациялар эса 16 ҳафта бўлиб, ўзгарди.

Ушбу малака талаби Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларини амалга оширилишига қаратилган;

Малака талабида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлари тамойиллари ҳисобга олинди;

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади;

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди;

Малака талаби шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда келишув изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди;

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга томон тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди;

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратилди.

Ўқув ишлари бўйича проректор **И.Азимов**

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибалардан фойдаланганлиги ҳақида

МАЪЛУМОТНОМА

Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3775-сонли қарорларида таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида бошқа фанлар қатори ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш бўйича жуда муҳим ва долзарб вазифаларни қўйди.

Жумладан, ўзбек тили ва адабиётини ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим техналогияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, талаба ёшларни ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик техналогияларни кенг жорий этиш вазифалари факультетнинг устивор йўналиши сифатида белгиланди.

Фармоннинг мазмун-моҳияти, мақсади ҳамда белгилаб берилган вазифалар малака талаблари мазмунига тўлиқ сингдирилди. Шу билан бирга, малака талабларини ишлаб чиқишда Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Уларнинг ўқитиш тизими, ўқув режасидаги фанлар рўйхати таҳлил қилиниб, ижобий жиҳатлари ўзлаштирилди. Ана шу асосда таълим йўналишида ўқитиладиган фанларнинг қиёсий жадвали тайёрланди.

5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлардаги таълим соҳаси учун педагогик кадрлар тайёрлаш вақтининг кўп қисми малака амалиётини ўтказишга ажратилганлиги ҳисобга олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори ҳамда 2018 йил 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 30 ҳафтага оширилди.

120 000–Гуманитар фанлар таълим соҳаси учун кадрлар тайёрловчи хорижий университетларнинг аксариятида бакалавр йўналишларининг ўқитиш муддати 4 йил. магистратура мутахассисликлариники эса 2 йил этиб белгиланганлиги хисобга олинди.

Хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларидаги талабага ўз танлови бўйича фан ўрганиш имкониятини бериш, яъни таълимни демократлаштиришни назарда тутган ҳолда, ушбу 5611600 – Ноширлик иши йўналиши ўқув режасидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режасидаги танлов фанлари ҳажмига нисбатан оширилган.

Ўқув ишлари бўйича проректор **И.Азимов**